MILLIY KUTUB PALATASI
INV. №

Ислом КАРИМОВ:

НАВРЎЗ — БИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ, АСЛ МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗДИР. БУ МУБОРАК АЙЁМНИНГ ЎЗИГА ХОСИЯТИ ШУНДАКИ, БУ ФАСЛДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЖАНОБЛИГИ, БАҒРИКЕНГЛИГИ, САХОВАТИ, ОНА ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИБ ЎЙҒУН ЯШАШГА ИНТИЛИШИ АЙНИҚСА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
21 МАРТ,
СЕШАНБА

№ 35-36 (25.586).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

Ўлкамизда фасллар келинчаги баҳорнинг тароватли кунлари бошланди. Бу давр халқимиз учун улуғ айём — Наврўзи олам нишонланиши билан ҳам аҳамиятли. Уйғониш ва яратувчанлик, эзгулик ва муҳаббат байрамига мамлакатимиз аҳли ўзгача ҳозирлик кўради. Байрам арафасида янги-янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши, боғ ва хиёбонлар барпо этилиши ҳам истиқлол йилларида хайрли анъанага айланди. 20 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги бир неча шундай байрам иншоотлари билан танишди. Аввал, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон банклар ассоциациясига қарашли Банклараро молиявий хизмат маркази биносини кўздан кечирди. Энг замонавий меъморлик услубида бунёд этилган бу осмонўпар бинода дунё банк тизими талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда молиявий ташкилотларга лизинг, суғурта, ахборот, ҳуқуқ хизмати кўрсатилади, республикамизнинг траст, инвестиция, пластик кард тизимини жорий қилиш, рейтинг компаниялари, омонат ҳимояси жамғармаси, банклараро ўқув-ахборот маркази фаолият кўрсатади. Шунингдек, марказда турли халқаро молиявий тузилмалар, фирма ва компаниялар иш олиб бориши учун барча шароит мавжуд. Барча офислар замонавий техник ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, халқаро биржа ва молиявий ахборот тармоқларига уланган. Музокаралар ўтказиш учун махсус хоналар, конференц-зал, иккита ресторан, матбуот маркази мавжуд.

Ислом Каримов бино атрофини кўкаламзорлаштириш, фавваларни миллий руҳдаги шаклга солиш ва шу билан пойтахт чиройига чирой қўшиш кераклигини уқтирди. Юртбошимиз хоналарнинг жиҳозланиши ва ходимларнинг жойлаштирилишидан мамнуният билдириб, бундай тартибни бошқа давлат идораларида ҳам жорий қилиш лозимлигини айтди. Хизмат хоналари билан бирга бу ерда одамлар хордиқ чиқарадиган махсус хона ҳам бўлиши зарур. Умуман, бундай марказлар Тошкентни минтақанинг молиявий пойтахтига айлантириш учун хизмат қилиши билан муҳимдир. Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари Банклар ассоциацияси илмий-тадқиқот маркази биноси лойиҳаси билан танишиб, уни шаҳар меъморий кўринишига мослаштириш юзасидан ўз таклифларини айтди. Байрам иншоотларидан яна бири — «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон-Швейцария-Германия қўшма корхонасидир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида Швейцариянинг «Хобас РорэГмбх» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган бу корхона мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур нометалл қувурлар тайёрлашга ихтисослашган. Унинг умумий қиймати 106,5 миллион немис маркаси миқдорида бўлиб, Германиянинг «Берлинер Банк»и ва «Гермес» суғурта фирмаси томонидан молиялаштирилган. Бу ерда ишлаб чиқариладиган турли ўлчам ва ҳажмдаги қувурлар, уловчи муфталар тайёрлаш учун ишлатиладиган хомашё — калций карбонат тузи, кварцли қум мамлакатимизда олинади, технологик жараённинг бирламчи моддаси — полиэфир сақич, шиша мато эса ҳозирча Германиядан келтирилади. Тез орада уларни ҳам республикамиз корхоналарида тайёрлашни ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳа қуввати йилига 970 километргача қувур ишлаб чиқариш бўлган корхона маҳсулоти сув ва канализация тармоқларида қўлланилиб, металл қувурларга нисбатан арзонлиги ва чидамлилиги билан ажралиб туради. Президент Ислом Каримов қўшма корхонанинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиб, технологик жараён билан яқиндан танишди, автоматлаштирилган ускуналарнинг қуввати ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имкониятлари билан қизиқди.

Хорижий ҳамкорлар билан суҳбат чоғида Юртбошимиз бундай маҳсулотга нафақат бизда, балки қўшни давлатларда ҳам эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади. Чунки, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, суғориш тизимини такомиллаштириш республикамиз учун муҳим масаладир. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ишлаб чиқаришни тўлиқ маҳаллийлаштириш, республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун айниқса зарур ўлчамдаги маҳсулот турларини кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди. Ислом Каримов германиялик шериклар билан бу борадаги ҳамкорлик янада кенгайишига умид билдирди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайҳонтоҳур академик лицейини бориб кўрди. Замонавий ўқув воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган, маърузалар хонаси, мажлислар зали, катта спорт зали ҳамда майдончалар, шинам ошхонага эга бу лицейда жорий ўқув йилида 275 ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишлари бўйича пухта билим оладилар. Президент Ислом Каримов ўқувчилар билан суҳбатлашар экан, истиқлол туфайли яратилган бундай имкониятларнинг қадрига етиш, дунёга довруғи таралган аждодларга мос фарзандлар бўлиш учун улар аввало мустақиллик моҳиятини англаши даркорлигини уқтирди. Бунинг учун эса ёшларда етарли билим ва онг шакллантирилмоғи лозим. Ҳар қайсимиз Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим деб яшашга ўрганмоғимиз лозим, деди Юртбошимиз. Шу куни Президент Ислом Каримов Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биносини ҳам кўздан кечирди. Тарихий аҳамиятга молик бу бино замонавий тарзда таъмирланган бўлса-да, ўзининг бетакрор меъморий қиёфасини йўқотмаган, балки янгича чирой очган. Йўлбошчимиз унинг ўзига хос услубда таъмирланганлиги, шинам ва қулай иншоотга айлантирилганлигидан мамнуниятини билдирди.

■ **Беҳзод УСМОН (ЎзА)**
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ХУШ КЕЛИБСАН, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Баҳор, бунча чиройингга шайдо қилгайсан,
Йўқдан ажиб мўъжизалар пайдо қилгайсан.
Ҳар юракда ишқ ўтини барпо қилгайсан,
Дуога қўл очаётир муштипар онам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Аждодларим қутлаб ўтган азиз айём бу,
Ҳур Истиқлол қайтиб берган буюк инъом бу,
Умрим бўйи шарафласам мангу илҳом бу,
То ҳаётман мадҳинг ёзиб куйлайин мен ҳам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Ирмоқларда шилдир-шилдир сувлар оққайдир,
Бобо қуёш ўрикларда чақмоқ чаққайдир,
Бинафшанинг атри билан тонглар отгайдир,
Еру кўкни гулга ўраб яшнатар кўклам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Авжи кўклам рақсга тушар ҳислар туғёни,
Наволарга тўлиб кетар юртнинг ҳар ёни,
Шундай кунга етганларнинг йўқдир армони,
Олам-олам орзуларга йўлдошсан бу дам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Тонгда туриб ҳар майсанинг умрин тилайман,
Бойчечакка сирдош бўлиб кўнгил сўрайман.
Қалдирғочнинг пeрвозига парвоз улайман —
Кўзларида ҳайрат тўла югурар болам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Бу кун тошқин дарё бўлиб денгизга етдим,
Ўрикнинг оқ гулларидай очилиб кетдим,
Ўзбекистон баҳорига қўшиқлар битдим —
Илҳом бериб менга ўзинг тутқаздинг қалам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

■ **Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти

ТИРИКЛИКНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

ЗАМИН

Майса заминни ёриб чиқди. Илик узилди палладан ўтганимиз шу. Қуёшнинг нурлари заҳри совуқни илитди. Оламнинг ёруғ тортгани шу. Бодом гули ўрикни уйғотди. Ҳамма нарса жонлангандай бўлди. Тирикликнинг буюк суврати чизилди.



Кўнгилдан бир гап кечгани рост — ҳаёт бунча файзли бўлмаса, яшагиси келади-ей одамнинг... Ана, ўрик қийғос гулга кирибди. Бундай ўйлаб қарасак, нақадар қудратлиман, шу қадар зўрманки, деб кўкрагига урган одамзот ҳаётнинг, борлиқнинг қонуниятлари олдида ҳеч вақоча арзимай қолади. Мингта шоирни ёки академиклнинг бошини бир жойга тўплаб, ана ўрик гули, ҳаммаларинг ана шундай, табиий бир гул, яъни, ўрикнинг гулини яратиб кўринглар, дейилса, шубҳасиз бу иш ҳеч қачон инсон боласининг қўлидан келмасди. Нари борса инсон боласи ўша ўрик гулини узиши, ерга отиши, сувга оқизиши ёки бирорта арзандасига гул қилиб бериши мумкин. Аммо, ҳеч қачон, ҳеч ким, ҳеч замонда табиат яратганчалик мукаммал этиб, айнан этиб яратолмайди.

Шундай экан, табиат билан ҳазиллашаман дейиш, уни «йўлга соламан» деб уриниш бемаъниликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Она заминда бўй тортган гиёҳ, улкан дарахт, ҳатто тоғлар ҳам заминники. Керак бўлса, биз одамлар ҳам. Заминнинг яшнаши, яшариши эса шу тупроқни кўкка силтаб майса униб чиқиши билан бошланади. Шундай бўлди. Гиёҳ униб чиқадиган фасли гул, фасли айём келди... Демак, замин уйғонди. Демак, заминнинг айёми.

Бизга шундай мўъжизалар туҳфа этган она-ер, азиз тупроқ сўз билан изоҳлаб бўлмас даражада гўзал.

Оғир хасталикдан қутилган одам яна шундай яхши кунларни кўришим насиб этган экан, деб шукроналик айтиши табиий.

Эртага менинг назаримда замин шаъни улуғланадиган кун. Наврўз. Бу, янги кун дегани. Шу ўринда ҳозирги тилимиз билан айтганда, эртага заминнинг, яъни, баҳори гўзал заминимизнинг туғилган куни десак ҳам тўғри чиқар. Негаки, замин, тупроқ бизнинг ризқимиз, тузимизманбаи! Одамлар янги кунни қутлаб туриб, заминга бош эгади.

Чунки заминга уруғ тушади.

Буғдой сепилади.

Ризқ унади.

Буғдойни замин хуш кўради.

Буғдой билан замин хушлашади, топишади...

Кўкда эса Наврўз алёри жаранглайди.

Шу ўринда буғдой ҳақида икки оғиз илиқ гап айтиб ўтмасак бўлмас...

БУҒДОЙ

Бобомнинг ҳовучидаги дур. Момомнинг келисидаги қур. Халқимнинг чеҳрасидаги нур. Буғдой баҳорнинг заминга айтган энг эзгу саломи — тириклик кўнглидаги ўчмас қўшиқ.



Нега биз Наврўз олдидан ёзаётган мақоламизни Замин ва буғдойга урғу бериб бошладик. Наврўз яшариш, яшнаш байрами деймизку, демак ана шундай улкан ҳодисотнинг рамзи сифатида бу икки тушунчанинг ўрни беқиёс. Буғдой ниш урса илгари замонларда оғирчиликдан қутилиш белгиси эди бу... Дастлаб ниш урган буғдойни сумалак қилишарди. Заминсиз яшаб бўлмагани каби буғдойсиз ҳам яшаб бўлмайди. Наврўз тириклик, тўй, омон-омон кунлар шодиёнаси эканлигини кўҳна шарқ ана шундай йўл билан чиройли қилиб изоҳлаб беради. Наврўзда сумалак тортилади. Энди буғдойнинг шаънига Наврўзмомо ол-қишлар айтади. Тириклик энди замин ва буғдойни эъзозлаб-эъзозлаб Наврўзга пешвоз чиқаяпти. Яхшилик, тотувликнинг белгиси Наврўз. Дарвоқе, Наврўзда қиличлар қинидан чиқмаган. Ана энди, Наврўзни осойишталик тимсолида ҳам кўрсак бўлади.

ТИНЧЛИК

Илик узилдидан одамлар сумалаккача зўрға, ўрмалаб чиқиб олган даврлар бўлган. Шунда одам боласи, гина-кудратни йиғиштириб қўйиб, бир-бирига очиқ-чеҳра билан боққан. Ана шундай ёруғ кунга, сумалакка, Наврўзга етказган чоғларга ташаккурлик ифодаси, уларнинг кўнглида қотган майда-чуйда ҳасрату-адоват зулматини ёритган. Наврўз дилларга илиқлиқлик берган.

Яраш-яраш бўлган. Одамлар, халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги яраш-яраш қадимда фақат Наврўз кунида содир этилган. Халқлар ўртасидаги урушлар Наврўзда таққа-тақ тўхтаган.

Чунки, одамзот тирикликнинг моҳияти сифатида тушунган Наврўзни. Тириклик улуғланган кунда ҳеч қачон одамнинг қони оқмаслиги керак. Одам боласи бир-бирини ўлдирмаслиги керак, деган тушунча бўлган. Шундан-да урушлар устидан тинчлик мағруру-масрур зафар қучган. Бир кун инсоният эзгулик сари юз бурган. Ўша кун энг ашаддий қотилларга инсоф кирган. Кўнгли юмшаган. Одам бўлган улар ўша кун.

Ана — бу байрамнинг моҳияти қаерда?

Наврўз яраш-яраш куни.

Наврўз тинчлик туғининг ҳилпираши дегани.

Наврўз ўлдирма, отма, бир-бирингнинг қонингни тўкма, урушларингни йиғиштир, униб-ўс, улғай, яхшиликка, юксакликка интил дегани.

Наврўз майсадан ўрнак ол, у тириклик тимсолининг энг буюк кўриниши дея сабоқ беради.

Наврўз ҳаёт учун, яшамоқ учун курашмоқ, бу эса энг олий фазилат демоқчи бизга.

Наврўз Заминни сев, ризқни ардоқла, тинчликни асрасанг келажагинг ёруғ бўлади, дея мингминг йиллардан бери уқтириб келади.

Келажак эса эртамиз. Эртамизнинг ёруғлиги гўдакларимиз қўлида. Шулар — фарзандлар ҳал қилади эртамизни.

ГЎДАК

Ўзбекистонда фарзанд камоли, бахт иқболи бошга тож қилиниб, улуғланган бир паллада Наврўзга пешвоз чиқишимиз ҳам жуда ёқимли. Президентимиз «Соғлом авлод йили» деб атаган бу йилда Наврўзнинг тантанаси ҳам ўзгача кечади.

Гўдакларимиз соғ бўлсин, бақувват ўссин деган ниятдамиз. Бунинг учун амалий ишларни ҳам қилиб улгураяпмиз.

Одам дунёга униб-ўсиб, яхши яшаш, ёруғ из қолдириш учун келади. Ўғил-қизлари хушқомат, чиройли, ақлли бўлиб тарбиялланган миллат ўлмайди. Даврларга бардош беради. Ўзлигини сақлаб қолади. Йўқолиб кетмайди. Шундай экан, бундан бошқа биз учун кўпроқ қайғурадиган тушунчанинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

Гўдак ҳам ерда унган майса янглиғ ҳаёт нурларига боқиб юксакликка интилади.

Ернинг мавжудлиги, буғдойнинг мўллиги, тинчликнинг тантанаси, гўдаклари соғлом туғилиб

оламнинг безагига айланишга интилаётган миллат борлиги ҳам Наврўзнинг бир рамзий ифодасидир.

Майса унди.
Гўдак туғилди,
Наврўз келди,
Замин айланаяпти,
Буғдой сепилмоқда,
Тинч кунлар...

Келаси Наврўзларгача омон бўлайлик.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«УРГАНЧ ЁҒ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни баҳор ва бахт байрами — Наврўз билан қутлайди!

Истиқлол туфайли Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатлар ичида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Барқарорлик, тинчлик ва осойишталик туфайли иқтисодиёт ҳам, инсонларнинг фаровонлиги ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Биз ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб улуш қўшиш мақсадида астойдил ҳаракат қиляпмиз. Шу боис анъанавий маҳсулотлар ёғ, совун ва сопстокдан ташқари олеин, пальмитин кислоталари ҳамда гудрон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Булар мамлакатимизга валютага келтириларди. Энди биз валютани тежаш у ёқда турсин, уни ўзимиз ишлаб топяпмиз. Бундай маҳсулотларни янада кўпайтирмоқчимиз. Ниятимиз шуки, юртимизнинг ҳар бир кўчасида тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бўлсин!

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ» ТАНЛОВИГА

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқиссадан парча)

Йўлдош МУҚИМОВ, Азим СУЮН

О, хотиралар хотиралар,
Гоҳо тундек хира,
тийралар.
Эсга тушса диллар
қийналар,
Бағримизни ўртар,
тирналар.
Гоҳо тийра кўзни
очарлар,
Хаёлларни олиб қочарлар.
Мозий оғушига
тортарлар,
Янги тонгдек балқиб
отарлар.

Қутлуғ Наврўз сайилимиз гўзал ва ранг-барангдир. Ўз узоқ тарихи давомида неча бор топталди, таҳқирланди ва таъқиқланди. Кимдан касофат, кимдан шарофат дейди донолар. Халқимизнинг асил ва зукко фарзандлари, донишмандлари томонидан неча бор тикланди, эъзоз топди. Севимли байрамимиз тўғрисида неча-неча нақллар, асотиру-афсоналар тўқилган.

I. ҒУРУР ДУР ЭРУР

Зарафшон дарёси бўйида жойлашган улус қадимқадимдан «Наврўзтепа» деб атаган қалъа узра даблудоира, ноғора ва карнай-сурнай садолари янграб, бутун воҳага таралади. Садоларни аҳён-аҳёнда шамол учириб, бошқа тарафларга буриб юборганда қишлоқлараро кезиб, халойиқни кўпкари ва курашга чорлаётган жарчининг овози узилиб-узилиб, дам бўғилиб, дам баралла эшитилади.

Кеча-кундуз баробар,
Бири-биридан сарвар,
Наврўздан келди хабар,
Шайлангил шаҳри
Барбар!

Маликчўл деган қирда,
Тошдек қотган тақирда,
Бўлур катта кўпкари,
Кимнинг бўлса тулпори,
Ғиркўкми, Бойчибори,
Яғринига ур эгар!
Ёки жийрон, саман от,
Қорабайир, Қирққанот,
Чопқирми ёки йўрға,
Ўйнашур ким ўзурға...

Жарчининг овози янада яқинлашиб боради.

Эй оломон, қулоқ ос,
Қилма ҳаргиз боса-бос.
Бўлиб кел гуррос-гуррос,
Тўда-тўда, гулдурос.

Бўлсанг агар чин одам,
Босиб кел дадил қадам,
Мардона бўл ва бардам,
Биринг бирингга ҳамдам!

Қисқаси бўлур улоқ,
Тер оқур булоқ-булоқ
Ва яна бордир кураш,
Булут бўлиб гуркираш.
Ёки дарахтдай қулаш,
Намли девордай нураш,
Хулласи зўр куч синаш...

Жарчи бир зум дам олиб, янада баландроқ оҳангда давом этади:

«Мен — Азамат!»
деганлар,
Фақат палов еганлар,
Кўкдан юлдуз узганлар,
Девлар ўйин бузганлар,
Йўлга чиқсинлар тезроқ,
Яқин эмас, йўл йироқ...

Жарчи чорлай-чорлай бошқа тарафларга ўтиб кетади. Овоз пасая бориб, тинади:

Одамлар дарё бўйидаги тепалик сари оқадилар. Уларга ясанган-тусанган, тўдатўда болалар эргашиб боришади. Гуруллаб, қий-чув кўтариб бораётган болаларни катта ёшдагилар, ота-боболари тўхтатиб, йўлнинг чеккароқларига тортадилар. Юрт оқсоқолларига йўл беришни сўрайдилар. Оппоқ либосга бурканган, маҳобатли қоҳинлар, салобат ила вазмин қадам ташлаб, тепалик сари кетишарди. Қадимий ақидага кўра, сайил ўтказилиши олдидан тепалик ёнбағрида жойлашган Оташкада — ибодатхона ҳужраларидан бирида сайил кунлари ўтирувчи юрт донишманди — мубоди-мубод ҳузурига ташриф буюриб, уни зиёрат қилиши, ийди Наврўзни бошлаш учун мўътабар зотдан фотиҳа олиши зарур эди.

Азбаройи қартайганидан жуссаси нозиклашиб, кичрайиб, мункайиб қолган, соч-соқоли ва ўскун қошлари қордек оқарган, худди шундай оппоқ матоҳдан қўйлак ва енглари кенг, этаклари товонигача тушган жома кийган табаррук чол мутолаага ғарқ эди. Ҳатто бошини сал кўтариб, ўз атрофига назар ҳам солмайди. Олдида турган каттакон такя узра қўйилган, яхшилаб ийланиб, ҳўкиз терисидан тикилган китобдан кўз узмасди, фақат секингина билинар-билинмас чайқаларди. Қоҳинлар бирин-кетин мубоди-мубоднинг ҳузурига бориб, унга таъзим бажо келтирардилар, унинг ёнида эгилганлари ҳолда турар эканлар, бош донишманднинг не дейишини кутардилар.

Донишманд шошмасдан салобат ила бошини китобдан кўтариб, ёнига қўнган қоҳинларга назар ташлайди. Бир зум ўтгач, имо-ишора ила китобни зиёрат қилишга рухсат этади. Қоҳинлар бирин-кетин икки букилишиб, китобни ўпадилар, сўнгра яна қайтиб ўз жойларига ўтирадилар. Бошларини қуйи солиб олийзотнинг сўзларини муштоқлик ила кутадилар.

Мубоди-мубод сирли бир оҳангда оҳиста-оҳиста, жумлаларни бўлиб-бўлиб, ҳар сўзга алоҳида урғу бериб, оқин сингари зам-зама — қироатга тушади.

Ҳикматлар китоби
қутлуғ «Аваста»,
Тангрининг қалбидан
чиққан Сўз Нидо.
«Аваста» ҳикматин
этинг дилга жо,
Туну кун ўқирсиз,
бўлмас ҳеч адо.

Варақ-варақ очиб,
гоҳо ва гоҳо,
Нигоҳ ташлаб турсанг,
разм солсанг ҳатто,
Тангри ҳаққи айтгум
қилмас сен хато,
Улуғму, кичикму
барибир раво.

Олам ҳикматларин
айлаб ҳарф, иншо,
Тангри танҳо ўзи
чекмишдур имзо,
Ўчиш не, сўниш не
билмасдан асло,
Дилларда нур янглиғ
порлар «Аваста»...

Қоҳинлар бош донишманда яна таъзим бажо келтириб, ҳужрада бошқа зиёратчилар учун жой бўшатадилар. Икки қўлларини кўкракларига қўйиб, орқага тисарилиб чиқиб кетадилар.

Жарчи барча-барчани қалъага, сайилгоҳга ҳамон чорлайди. Оташкадага унча узоқ бўлмаган тепаликдан карнай-сурнай, ноғора овозлари тинмай янграйди. Сайилгоҳ майдонда улкан гулханлар шуъла сочади. Оппоқ ридо кийган, белларига зуннор — камар боғлаган қоҳинлар майдонда чарсиллаб ёнаётган гулханга ва чор-атрофдаги бошқа тош ўчоқларда ловуллаётган оловга қўй қуйруғи бўлакларини ташлаб чиқадилар. Сўнгра зайтун ёғи сепадилар, сипанд — исириқ боғламлари ва бошқа хушбўй гиёҳ буталарини ташлайдилар. Мушкиамбар димоғларга урилиб, оташ атрофида тўпланганларни сархуш қилади. Гулхан ёнига жодугарсимон кампирлар келиб, афсун айтишга киришадилар. Оташнинг ҳар бир товуши, шитирлаши, қасрқусури илоҳий мусиқадай туюлади. Қаёқдандир юзларига қаро ниқоб кийиб олган, ниқоб орасидан кўзлари чўғдай ёниб турган шоввозлар отилиб майдонга чиқадилар ва шиддат ила гулхан атрофидан айлана бошлайдилар, рақсга тушиб кетадилар. Рақсга мос ва монанд замзама:

Олов ёнади қарс-қарс,
Ловуллаб олур нафас.
Қулоқ беринг, ёронлар,
Нафас эмас, сирли сас.

Гулхан тегра замзама,
Дўстлар қилур ҳангома.
Ё ўчадир, ё кўчар,
Зинҳор оловга тегма!

Сададан ёқинг оташ,
Сандалдан ёқинг оташ,
Оташ қалбларга туташ,
Оташ қуёшга ўхшаш.

Яна бир оти олов,
Олов инсонга ялов,
Қўлимда ёнса машъал,
Қочур девлар, қочур ёв...

Оташбозлар қайта-қайта, такрор-такрор ўйнай туриб, сўнгра олов олдида чўкка тушадилар-да, унинг сеҳрли оҳангига яқинроқ бориб қулоқ солиб, мурожаат қиладилар:

Сен офтобдан андоза,
Сендан ер-замин тоза.
Қулоқ берсак овозга,
Ўхшар илоҳий созга...

Гулхан атрофида рақс тугамасданоқ майдонга салмоқдор қадамлар ташлаб, аста-секин сакраб, паҳлавонлар чиқиб келадилар. Наврўз сайили кунлари одатда бўлганидек, кураш бошланади. Ҳали дастлабки ғолиблар аниқланмасдан туриб, майдонга Искандар Зулқарнайн лашкарлари ногаҳонда от қўйиб кириб келадилар. Искандар оташ атрофидаги гўзал ўйинларни ва сал нарироқда ўтаётган курашни бир неча дақиқа кузатиб томоша қилади. Ўз лашкарларига сайилда иштирок этадиган биронта кишига тегилмаслик ҳақида буйруқ беради. Аммо, қуролланган ажнабийларни кўрган халойиқ қўрқа-писа сайилгоҳдан қоча бошлайди. Гулхан теграсидан ўйновчилар тарқалиб, кўпчилик орасида яширинадилар. Лекин, ҳаёт-мамот жангидек авжига мингган кураш тўхтамайди. Полвонлар ёв бостириб келганини ҳам, томошабинлар тарқалиб кетаётганликларини ҳам сезмай ҳамон олишишда давом этадилар...

Шу аснода паҳлавонлардан бири рақибини йиқитиб, хўроз каби қичқириб, майдон бўйлаб қанот қоқиб, уёқдан-буёққа чаппор уриб айланади. Искандар ғолиб паҳлавонни ўз ёнига чақиртиради ва унга лашкарларнинг ҳарбий либослари, аслаҳаларидан — қилич-қалқон совға қилади, бошига дубулға кийдиради.

Ўзига келган паҳлавон нималар бўлаётганини, одамлар нега қочиб кетаётганини энди пайқайди, ғазаб ила бошидан Искандар кийдирган дубулғани олиб ирғитади, қилич-қалқонни ҳам ўз эгаси Искандарга қайтаради. Искандар тарқалаётган одамларни сайилгоҳга қайтаришни буюради. Турли курашларда, турли мамлакатларда ҳаммани қойил қолдирган ўзининг хос паҳлавонини майдонга чиқаради. Ҳамма-ҳаммага «Ғолиб чиққан Турон паҳлавони энди юнон паҳлавони ила курашади» деб тилмоч орқали эълон қилдиради:

Эй, сайил аҳли халойиқ,
оломон,
Тарқалмангиз, бўшаб
қолмасин майдон,
Қочганлар аҳволи
бўладир ёмон,
Қочмай қолганлар
эса «омон-омон»
Сизга ташриф этмуш
Искандар Соний
Соҳибқирони жаҳон-
Македоний
Дерлар ул зот:
«Олушсин икковлоний,
Паҳлавони туроний-ю
юнониий»...

Искандар Зулқарнайн ёнида теварак-атрофга даҳшат ила боқиб, ваҳима солиб, девқомат бир паҳлавон наъра тортиб у ёқдан бу ёққа югуриб юради. Турон паҳлавони унга синчидек тикилади. Курашиб, ғоят чарчаган, баданидаги терлари ҳали қуримаган бўлса-да, ор қилиб, ғурур зўрлигидан курашишга рози бўлди. Турон паҳлавони Юнон паҳлавони билан курашарди-ю ўйларди: «Наҳотки ёв беаёв, мамлакат ичкарисига шул қадар кириб келди, наҳотки зарбага учрамади?» Икки паҳлавоннинг кучи тенг эди. Бир-бирларига тутқич бермасдилар. Гоҳида беллашиб қолсаларда, яна силташиб-силташиб ажралиб кетарди. Томошабинлар асабий ҳолда қичқирардилар. «Чарчаган полвон қаёқда-ю, дамдаги полвон қайда!» «Бу бекор!» «Бу ўйин адолатсиз!»

Турон полвонни тарбиялаб, элнинг забардасти даражасига етказган устози ҳам томошабинлар орасида эди. Қариб қартайиб, юролмайдиган бўлиб қолган эрсада, ўз илтимосига кўра, замбилга солиб, сайилгоҳга кўтариб олиб келган эдилар. «Қалқамаполвон» деган лақаби бор эди. Қалқамаполвон ҳамон замбил ичра ўтирарди. Шогирди юнон паҳлавони билан қалтис тортишаётган кезларда сакраб-сакраб тушарди, замбилдан тушиб кетгудай, майдонга отилгудай эди.

Искандар ҳам безовта эди. Ҳамма жойда, барча мамлакатларда менман деган паҳлавонларни енгган азамат, елкаси ер кўрмаган зўравон чарчаб, ҳолдан тойган Турон полвонини йиқитишга ожиз эди. Икки паҳлавон ҳам ҳолдан тойиб, ҳансираб қолганини кўрган Искандар уларга бир муддат дам беришни буюрди.

Шунда мўъжиза рўй берди. Икки паҳлавон майдоннинг икки ёғида дам олишиб, савлат тўкиб, яна ўртага чиқаётганларида, Қалқамаполвон атрофдаги одамларни ҳайратга солиб, замбилдан кўтарилди. Чўлоқланиб майдон ўртасига югурди, кўзлаган манзилига етгач чўкка тушди ва она ерни етти марта қайта-қайта ўпди. Сўнгра шивирлаб у билан сирлашгандай бўлди, балки ажнабий босқинчи билан курашишга мадад сўради...

Шунда яна мўъжизали ҳодиса содир бўлди. Томошабинлар орасида юз яшарли Суроноқин ҳам бор эди. Вақти замонида у ҳам полвон ўтган эди. Қалқамаполвонга устозлик қилган эди. Майдонда Юнон полвон билан олишаётган Туронполвон ҳам Суронполвон таълимидан баҳраманд бўлган эдилар. Мўъжиза деганимиз шундаки, маибу-мубтало Қалқама полвон замбилдан отилиб, чиқиб оёққа турганидан ва майдон сари отилганидан ҳайрону лол ва мамнун бўлиб, Суронполвон дўмбирасини қўлга олди. Полвонларнинг яқин дўстлари елпиғич ила ҳамон елпиб турар экан, Суронполвон Туронполвонга қарата бир сўз деди:

... Эл ичидан қалқиб
чиққан Қалқама,
Офтоб каби балқиб
чиққан Қалқама,
Қанча-қанча полвон
ила олишиб,
Белинг букилмади
ҳорма, чарчама!
Қутлуғ тупроқ она
Туронга таян,
Сенга устоз
Суронполвонга таян,
Умид кўзин тиккан
ёронга таян,
Тобсиз арқон каби бўшаб,
салқима.
Арслон эрдинг асли, дадил
ҳамла қил,
Ғолиблик калити
дадилликда, бил,
Йиқилсанг ҳам рақиб
устига йиқил,
Душманнинг қалбига
солиб ваҳима.

Элу юрт кўз тикиб сенга
қарайдир,
Келин-қизлар кутиб
сочин тарайдур,
Боғларда сени деб
қушлар сайрайдур,
Агар енгилсанг сен,
не дей халқима.
Жоним тиқилгайдур келиб
халқума,
Еган ошим заҳар бўлур,
заққум-а!
Елканг ерга тегса, яшаб
ёлчима!
Бу элларда сўнгра санғиб
сарсима,
Юртни ёв босганда ошди
дардим-а,
Енгсанг шифо бўлур ёнган
қалбима!..

Оқинполвон бир лаҳза сукут сақлаб, қулоч кериб рақиби сари отилаётган Қалқамаполвонга қараб оладида, сўнгра халойиқ сари юзланади.

Қалқама енгадур, халқим,
тарқама,
Кўз-кўз қилай уни
ортиб орқама!..

Устод Суронполвоннинг ушбу нидосини эшитиб, Қалқаманинг оёқ-қўлларига, буткул аъзои-баданига илоҳий бир куч ёғилиб кирди. Даҳшатли наъра тортди, ер кўк ларзага келгандай бўлди. Бу қадар нозиклашиб қолган жуссадан қандай қилиб теваракни титроққа солгувчи нидо садолари янграб чиқаётганидан ҳамма лол эди. Искандар кўз ўнгида у девсифат қомат касб этиб, намоён бўлди. Майдон ўртасига бесўнақай гавдасини у ён бу-ён ташлаб, бешиктебратардай силкиниб, Юнон паҳлавони кириб келарди. Қалқамаполвон унинг сари йўл олди ва ғайритабиий бир овоз чиқариб қийқирди: «Мана мен олишамен сен ила. Мана мен! Билиб қўй, мен Қалқамамен! Сен ила энди ёқама-ёқа мен!»

Туронполвон сари олға жилаётган Юнон паҳлавони ўзига ҳамла қилиб келаётган кимсага қаради. «Ўзи бургадек-у, овозининг йўғонлиги қулоқ йиртади. Қани уни бир эзиб ташлай қолай! Йўлимда йўрғалаб-юмалаб юрмасин!»

Юнон полвони ўзидан бир неча қадам нарига етиб келган Қалқамаполвоннинг елкасига қўл урди. Кўтариб отиб юбормоқчи бўлди. Аммо кичкинагина жуссали одам тебранмади. У ерга қоқилган темир қозиқ сингари қимир этмай, қимсанмай турар эди. Юнон паҳлавони энди Қалқамаполвоннинг елкасига икки қўлини ташлаб тортмоқчи ва сўнгра ирғитиб отмоқчи бўлди. Бироқ Қалқамаполвон ҳамон михлаб қўйилгандай қимирламасди. Рақибнинг бу ҳамласи ҳам иш бермагач, у ўйлай-ўйлай хийлага ўтди. Аммо худди шу пайт бирданига Қалқамаполвон турган жойидан қўзғалиб от бўлиб кишнади. Ва ажнабий полвон устига бургутдай отилди, кичрайиб қолган чайир жуссаси забардаст Юнон паҳлавони гавдасини чирмовқдай чирмаб олди. Узоқ йиллар курашавериб, пайга айланган оёқлари рақибининг оёқларига занжир сингари ўралди. Сўнгра пайт пойлаб, Юнонполвоннинг бир оёғини қаттиқ тортди ва унинг кўкрагига зарб билан калла солди, шиддат билан орқага тисарилди. Юнон паҳлавони арраланган дарахтдай қулаб тушди. Йиқилиб, чалқанча ағдарилиб ётиб қолган рақибини қолдириб, Қалқамаполвон асли одатига кўра, яна от бўлиб кишнаб, майдон бўйлаб айланди.

Мағлубият ғам-ҳасрати, уятидан фориғ бўлиб, забунлик юкидан қутулиб, Қалқамаполвон ҳур ва мағрур қанот қоқарди. Ўз ватандошининг бу хил парвозидан мамнун бир қаландар йўл бўйлаб ўзича-ўзи сўйлаб, куйлаб борарди:

Ғурур инсонга ҳур
қанот эрур,
Ғурур инсонга учқур
от эрур.
Ғурур қалб ичра ёруғ
нур эрур,
Ғурур жавоҳир, ғурур
дур эрур.

Суроноқин ҳам сайилгоҳдан қайта туриб, қалби қайнаб, булбулдай сайраб борар эди.

Жавлон урган кўнгилда
албат жасорат қайнар,
Туғён урган кўнгилда
ғайрат-шижоат қайнар,
Кимки азм этур,
тангри иродат айлар,
Кимки жазм этур,
тангри ижобат айлар.
Она-юртинг айтадур,
сенга олқиш, Қалқама,
Эзгу ниятларинг топсин
кушоиш, Қалқама!

Искандар Зулқарнайн ўз паҳлавони мағлубиятга учрагандан ғоят дарғазаб бўлди. Уни чақиртириб, елкасига бир неча бор қамчи тортди. Қаҳри қаттиқ қайнаб, оғзидан кўпик сачради. Қон қақшади ва Оташкадани бузиб ташлаш, оловни топтоб ўчиришни буюрди. Бир неча лаҳза ичида лашкарлар саркарданинг буйруғини бажо келтирдилар. Оташкада вайрон қилинди, оташтош ўчоғлари таг-туги ила қўпориб, ағдариб ташланди. Мубоди-мубод Оташкада минбаридан қувиб туширилди. Унинг китоб жавонини синдириб парчалаб улоқтирдилар. Жавонда турган рамзий «Аваста»ни ва қоҳинлар қўлидаги бошқа нусхаларини бир ерга йиғиб тўпладилар, ғарам қилиб уйдилар. Шундан сўнг Искандар Зулқарнайн «Аваста»нинг бир парчасини қўлида тутиб турар экан, Оташкада ҳовлисида бошқа бир олов ёқишни буюрди, атрофдагиларга даҳшатли кўзларини тикиб китобни кўрсатар экан, ўшқирди:

Дерлар акс этмуш бунда
олам ҳақиқати,
Топинг қаёндадир яна
ўхшаш сийрати.
Қолдирмангиз ҳеч қайда,
бирон бир суратин,
Ахтаринглар ҳамма ерни,
топдингизму, қийратинг!

Искандар шиддат билан бир неча қадам ташлаб, вайрон қилинган минбар ўрнида тўхтади. «Аваста» битиклари шу ерда қаланиб-қалашиб ётарди. Китоблар уюлган жойни бармоғи ила кўрсатиб, буюрди:

Ёқингиз бунда гулхан,
Улканлардан ҳам улкан.
Қаронғу — зим-зиё тун,
Ёрисин бўлиб равшан.

Ҳақиқат мана, мен-мен,
Ҳамма тангрига тенгмен.
Кенглардан ҳам мен
кенгмен,
Энглардан ҳам мен
энгменмен.

Ҳақ ва ҳикмат не ўзи,
Айтинг алар ким сўзи?
Мен-мен барининг кўзи,
Илкимдадир Ер юзи.

Ёқингиз «Аваста»ни,
Қолдирмангиз жавонни.
Алдаб кимдир инсонни,
Битиб кетмуш ёлғонни.

Ловулласин ўт-оташ,
Осмон-фалакка туташ.
Худди дўзахга ўхшаш,
Ёқиб ташлаш ҳам кураш!

Кимки ўжар ва осов,
Ясанг алардан косов.
Бўлсин бу сўнгги синов,
Охирги ёнган олов.

Кимки оташ шайдоси,
Бўлур анинг фидоси.
Инграши-ю нидосин
Тинглармикан худоси?!...

Искандар катта дошқозон ёнига бориб, қайнаётган сумалакни томоша қилади ва савол беради:

Недур Наврўз дегани,
Недур бул пиширгани?
Арзирмикан егани,
Тотиб кўрайлик қани?

Шу тобда мубоди-мубод ёнаётган «Аваста» олови олдида тиз чўкади, уни ҳовучлаб ўпади, оташга юз-кўзини тутади, бироқ на сочлари, на соқол-мўйлови куяди. Оташга сиғинар экан, ҳўнграб йиғлайди, бўзлайди, сўнгра ўрнидан туриб Искандар ўтирган томонга йўлланади. Вазмин ва салобатли қадам ташлаб борар экан, ирод этади.

Сўнмас ҳақиқат сўзи,
Порлар яна юлдузи.
«Аваста» ёғду бўлиб,
Тунни қувар кундузи.

Эл донишманди ҳамон сокин одим отар экан, бир лаҳза сукут сақлаб, сўнгра бошқа оҳангда қироат этишда давом этади.

Топиб ҳақиқатнинг минг
бир қаловин,
Тангри сўндирмайдур,
ҳикмат оловин.
Енгиб шум замонлар
оғир синовин,
Донишлар кўтарур
ҳақнинг яловин.

Яна чекинадур
зулмат-залолат,
Яна барҳам топар
жаҳлу жаҳолат.
Тангри қутлуғларга
бериб шаҳодат,
Такрор шуъла сочур
адлу адолат.

Искандар суҳбатни сергаклик ила кузатиб турган қув саркардаларидан бирига қараб, буюради.

Ўчир оташ нафасин,
Эшитмай овоз сасин.
Даф эт, қадам босмасин,
Ер ёрилсин, ямласин!

Эл донишмыанди:

— Ўшқирма, ер ёрилмас,
Тупроққа қон қорилмас.
Замин измингда юрмас,
Бу эл сенга буюрмас.

Искандар дарғазаб бўлиб, қўл силтаб, ўзидан кўз узмай турган саркардага қатъият билан донишманднинг калласини олишни буюради. Мубоднинг гарданига шу тобдаёқ қилич тушиб, калладан жудо бўлади. Аммо, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган мўъжиза рўй беради. Искандарнинг ҳаёлида донишманднинг танадан ажралиб, қонга бўялган боши типирчилаб юмалаб кета бошлайди. Кўзлари олов бўлиб ёнади. Калладан сеҳрли садо чиқади. Садода «Аваста»нинг илоҳий сўзлари янграйди.

Биз оташга топинамиз,
Ул сўзида собитларни,
Лафзи ҳалол кимсаларни,
Фалокатдан сақлағайдур.
Халокатдан сақлағайдур.

Бир зум жимиб, кўзлар янада даҳшатлироқ ёнади. Илтижо такрорланади:

Асра бизни фалокатдан,
Асра бизни ҳалокатдан!

Зулқарнайн худди туш кўраётгандек, юмалаб, типирчилаб, ўзи сари жилаётган олов кўзли калладан тарқалаётган шуъла ёғдудан кафтлари ила кўзларини бекитиб, орқага тисарилади. Ваҳима ичра хитоб қилади:

Олов эрди сўзлари,
Олов бўлди кўзлари,
Наҳот сўзласа ўлук,
Демак, бул кас табаррук?

Ушбу дақиқаларда Искандарнинг боши узра илоҳий қуш сўфитўғай пайдо бўлади. Унинг ҳам кўзлари оташ бўлиб ёнади. Ажнабий босқинчининг бошидан гир айланиб, чарх уриб, чирқиллайди. Шиддатли қанот қоқиб, ҳамла қилади.

Оламнинг осмонидан,
Тангрининг номидан
Сенга лаънат ўқирмен,
Кўзларингни чўқирмен!

Искандар қушни ҳайдашга ҳаракат қилиб:

Бу энди не балодур,
Менга чангал солодур!

Тожли тўғай сал узоқлашиб, яна Искандар боши узра чарх уради. Зардўшт замонида унинг ёрдами ила ёд олган «Аваста»нинг оташин сўзларин такрорлайди. Эл донишманди тўхтаган жойдан давом эттиради:

Биз оташга топинамиз,
Ул интиқом соҳибига,
Ул лашкарлар сардорига,
Минг-минг ақл толибига.

Тўғай авжига минади, худди Зардўштнинг ўзидай маҳобат ва салобат тўкиб «Аваста» қўшиқларини куйлайди. Турли қиёфадаги ғанимларга нисбатан нафрат тўла сўзларни танлаб, саралаб нидо уради:

Ул хужумни бошлагувчи,
Ҳарбу зарбда ҳам
устувор.
Синдиради ёв сафларин,
Таҳликага тушар жангда,
Қўшинларнинг ҳар қаноти,
Титроқ тушар ораларига,
Қонхўр ёв
лашкарларининг.

Искандар ҳамон қўл силтайди, қилич ила қушни уриб, янчиб ташламоқчи бўлади. Бироқ тўғай тепада. Искандар жаврайди:

Ўйинги кўзларин,
менга боқмасин,
Синдиринг гардонин,
қанот қоқмасин!

Сўфитўғай тинмас, энди Искандар хизматига ўтган хоин, сотқинларга қарата бўзлар:

Аҳду-вафосиз ва субутсиз
Кимсаларнинг хом
каллаларин,
Узар оташ тангриси
Митра
Ўз қавмига хиёнаткор
Нокасларнинг каллаларин
Улоқтирар қудратли
Митра!..

Искандар карахт бўлиб қолади. Қутлуғ қушнинг фақат кўзлари эмас, энди бутун вужуди олов бўлиб ёнади. Мисоли ловуллаб турган машъалдек Искандар боши теграсида айланади. Дунёни титроққа солган даҳшатли саркарда таҳлика остида ҳангу манг бўлиб қолади. Не қиларини билмай, саросимага тушади. Аланглаб ўз теварагига назар ташлар экан, соқчилардан, садоқатли дўстларидан мадад сўрайди. Аммо, улар аллақачон мўъжизали манзара — кўзи чақнаб олов пуркаётган жонсиз калладан ва машъал бўлиб ёнаётган илоҳий қушдан қўрқиб майдонни тарк этгандилар.

Оёғи остида ёнаётган ва боши узра ловуллаб турган алангадан қочиб майдондан чиқиб кетаётган фотиҳ кимсасиз ва қаровсиз қолган заиф бир саёқдай мудҳиш тақдирдан, беозор қўйлар орасига келдим деб ўйлаб сеҳрлар ўлкасига тушиб қолганидан ҳайратда:

Сўзлар оташдек ёнар,
Кўзлар оташдек ёнар,
Бу сирли юрт юраги,
Оташ бўлиб тўлғонар.

Замин ҳам оташ бунда,
Осмон ҳам оташ бунда,
Бу диёр не мўъжиза,
Сеҳрли жумбоқ бизга
Ўхшар олов денгизга...

(Давоми бор)



BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами —

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан чин дилдан самимий қутлайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омадлар, Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик меҳнатингизда зафарлар тилаймиз. Ҳаётингиз баҳор қуёши каби чароғон, осмон каби мусаффо бўлсин.

Азалий қондош-қардош ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!

«ОЛТИН БОШОҚ – У»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бораётган юртдошларимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади.

Байрам қувончлари ҳар бир хонадонга севинч улашишини истаб қолади. Биз етказиб бераётган ун ва ун маҳсулотлари юртимиз тўкинлиги, фаровонлиги рамзи бўлиб қолсин. Жамиятимиздан эса аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат ва барқарорлик кўтарилмасин.

«ОЛТИН БОШОҚ — У» ОТАЖ ЖАМОАСИ

«БЕКТЕМИР — УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Азиз ватандошлар!
Қутлуғ айём — Наврўзингиз муборак!
Йил бошидаги ёруғ ўйлар ҳар доим йўлингизни чароғон этсин.
Халқимизнинг тўйлари, яхши кунлари кўпайсин!
Сизга тинчлик, фаровонлик, бахт-иқбол ҳамроҳ бўлсин!

«ЎЗМАСОЙЛ»

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор халқимизни олам гўзаллиги намоён бўладиган Наврўз тантаналари билан қизғин қутлайди!

Ушбу ёруғ ва қувончли кунларда юртимизнинг барча фуқароларига, ҳар бир оилага бахту саодат, фаровонлик, кўҳна ва навқирон Ватанимизда бахтли ва осуда ҳаёт кечиришларини тилаймиз.

Surkhan ap | «Сурхон Ажанта ЛТД» ҚК

Наврўз айёмингиз мубарак бўлсин, азиз юртдошлар!

Сизларга соғлиқ, бахт ва тинчлик тилаймиз!

2670

«ЧАГЛАЙЯН СТД Ко»

ЎЗБЕК — ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Наврўз байрами муносабати билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг барча халқларига қардошлик саломини йўллайди! Озод Ўзбекистон диёрининг ҳар бир куни ана шу Наврўз байрамидек файзли, тароватли ва жўшқин бўлсин!

Қадимий ота юртда тинчлик, хотиржамлик барқарор экан бу юрт одамларининг хонадони доимо обод, дастурхони тўкин ва эртанги куни буюк ва порлоқ эканлигидан далолат.

Ўзбекистон ва Туркия халқлари қардошлиги ва дўстлиги бундан буён ҳам ривожланаверсин!

СОЗСОЙДА БЕЛЛАШДИЛАР

Бугун барчада баҳорий кайфият, руҳий кўтаринкилик мужассам. Ўлканинг ҳар бир гўшасида наврўз шукуҳи кезади. Куни кеча Наманган вилояти, Чортоқ туманининг Созсой қишлоғида наврўз беллашувлари бўлиб ўтди. Унда қатнашган «Шодлик», Толибжон Бағишев, Увайсий номли, «Янги замон» кўчаларида яшовчи аҳоли вакилларининг ранг-баранг чиқишлари йиғилган минглаб томошабинларни хушнуд этди. Айниқса, Садриддин Айний номли 23-мактаб ўқувчилари ва Созсой қишлоқ врачлик-амбулатория маркази ходимларининг концерт ҳамда театрлаштирилган саҳна дастурлари қизиқувчан нигоҳларни бефарқ қолдирмади.

Энг асосийси ўзбекча ва қирғизча минг турли пиширириқлар билан дастурхон безатилган бу тадбирда дўстлик ришталарининг муштараклиги яққол намоён бўлди. Гап шундаки, Созсой Наманганнинг Қирғизистонга яқин чегарасида жойлашган. Бу ерда қирғиз ва ўзбек дўст-биродар, қуда-анда бўлиб яшашади. Шунинг учун ҳам маҳалла вакилларининг чиқишларида икки дўст халқнинг миллий қадриятлари намойиш этилганда олқишлар баралла янгради.

— Айниқса, ўзбекча келин кўчириб келиш ва қирғизча қиз «ўғирлаш», ўзбекча арқон тортишув ва қирғизча «ит тортиш», қиз қувди каби номерлар дўстлик анъаналарига уйғунлашиб кетди, — дейди Созсой маҳалла қўмитаси раиси Исмоилжон Жўранбоев. — Миллий қадриятларга йўғрилган ушбу тадбирни ўтказишда Отамирза Ҳайитов, Абдумалик Абдураҳмонов, Қўшали Султонқулов, Жонузоқ Холмирзаев сингари оқсоқоллар ва Холидахон Назарова, Тожихон Султонова, Билимхон Ботирова, Зокиржон Қирғизовдек маҳалла фаоллари алоҳида ўрнак кўрсатишди.

Дарҳақиқат, фаоллик бор жойда ташаббускорлик куртак ёзади. Ташаббускорликдан эса олам малҳам олади.

Зулхумор АБДУРАҲМОН қизи

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЭЗГУЛИК, ТОТУВЛИК ВА МЕҲРИБОНЛИК БАЙРАМИ – НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2000 йил 5, 12, 19, 26 апрель куни Тошкент шаҳрида соат 10⁰⁰ да ўтказиладиган навбатдаги

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги қарашли ГАЗ 2411, давлат рақами — 10-28 ТНД. *Бошланғич нархи — 192 000 сўм.*

Бу ер майдонлари 12 апрель куни савдога қўйилади.

1. Паркент шаҳри, Бурсилиб даҳасидан, 600 кв.м., 6 та ер майдони, *бошланғич нархи — 51852 сўм*, ва 400 кв.м. 1 та ер майдони, *бошланғич нархи — 34568 сўм;*

2. Паркент шаҳри, Куличи даҳасидан, 600 кв.м., 5 та ер майдони, *бошланғич нархи — 51852 сўм;*

3. Паркент шаҳри, Сурхи даҳасидан, 600 кв.м., 8 та ер майдони, *бошланғич нархи — 51852 сўм;*

4. Паркент шаҳри, Куриксой даҳасидан, 600 кв.м., 2 та ер майдони, *бошланғич нархи — 51852 сўм;*

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават 9-ва 10-хоналар.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё академ-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлар қурилиши дирекцияси 2000 йилда фойдаланишга топшириладиган лицей ва коллежлар иншоотларига керак бўладиган жиҳоз ва материаллар бўйича шу йилнинг 15 апрелида пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил қилади ва ўтказади.

№	Материал ва ускуналар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
	ЭЛЕКТРОТЕХНИЧЕСКАЯ ЧАСТЬ			
1.	Щиты вводно-распределительные	ВРУ-1-13, ВРУ-1-24	шт	40
2.	Щиты распределительные	ШРС	шт	25
3.	Пункты распределительные	ПР	шт	70
4.	Магнитные пускатели от 1 до 5 велечины	ПМЛ	шт	200
5.	Щиты освещения	ОЩВ-6 и 12 гр.	шт	150
6.	Ящик с рубильником	ЯБПВУ-1	шт	20
7.	Кабель высоковольтный	ААШпсу-10 3х95	км	0,8
8.	Кабель алюм. низковольтный всех сечений	АВВГ-660	км	100
9.	Кабель медный низковол. всех сечений	ВВГ-660	км	80
10.	Светильник с люм. лампой 2х40	ЛПО, ПВЛП,ЛСП	шт	15000
11.	Светильники с лампой накалив.	НСП, НПП,НБО, ПСХ,СЗЛ	шт	3000
12.	Светилники наруж. освещ.	РКУ,РСП	шт	500
13.	Провод установочный медный	ПВ-380, ППВ-380	км	600
14.	Провод установочный алюминевый	АПВ-380, АППВ-380	км	90
15.	Провод голый алюмин	АС-50, АС-70	тн	5
16.	Изоляторы высоковольтные	ШФ-20	шт	500
17.	Разъединитель с приводом	РЛНД-10/400	шт	15
18.	Трансформаторная подстанция	ГКТП-2х400	шт	2
	ВЕНТИЛЯЦИОННЫЕ ОБОРУДОВАНИЕ			
1.	Вентиляторы	ВЦ-4-75 №8	шт	15
2.	Вентилятор	ВЦ №6,3 №5 №1,5	шт	50
3.	Вентилятор	ВЦ-4-75 №4, №3, 15	шт	50
4.	Вентилятор крышной	ВКР-4	шт	10
5.	Вентилятор осевой	«Самал» или «Айси»	шт	100
6.	Калорифер			20
	ТОРГОВОТЕХНОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОРУД			
1.	Шкаф пекарский	ШПЭСМ-3	шт	9
2.	Сковорода эл. 11,5 квт.	СЭ-0,45-01	шт	9
3.	Котел пищеварочный	КЭ-100	шт	5
4.	Котел пищеварочный	КПЭ-160-1	шт	10
5.	Камера холодильная с ФАК-15	КХС-2-610	шт	5
6.	Линия самообслуживания 9200х1160х1600 7,5 квт.	ЛС-В	к-т	10
7.	Кипятильник эл. 12 квт	КНЭ-100 м	шт	10
8.	Плита электр. 3-камфорочная 5,6 квт	ПЭ-051-01	шт	10
9.	Мясорубка электрическая	МИМ-150	шт	10
10.	Машина тестомес. 2,2 квт	ТММ-1М	шт	5
11.	Машина универсальная с комплектом сменных механизмов 0,85 квт	П-11-Т	к-т	10
	САНТЕХНИЧЕСКИЕ МАТЕРИАЛЫ И ОБОРУДОВ			
1.	Радиаторы чугунные		квт	2160
2.	Конвекторы		квт	3977
3.	Умывальник керамическ.		шт	500
4.	Мойки стальн. эмалированные		шт	100
5.	Раковина		шт	200
6.	Душевой поддон.		шт	200
7.	Унитаз со сливн. бочком		к-т	500
8.	Писуар		к-т	100
9.	Ванны		шт	10
10.	Трапы чугун. эмалир. ф 50,100		шт	150
11.	Смесители умывальника		шт	1000
12.	Смеситель душевой		шт	100
13.	Задвижки ф 50,80,100,150		шт	400
14.	Трубы стальные ф 15-100		тн	40

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 79-уй.
Сурхондарё академ-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлар қурилиши дирекцияси. Тел.: 2-30-42. Факс: 2-35-42.
Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.
Тендер савдоларини ўтказиш бўйича хўжалик ҳисобидаги Сурхондарё бошқармаси.
Тел.: 2-75-04, 3-19-79, 3-35-10. Факс: 2-75-01.

NATIONAL ELECTRONICS, INC; AMERICA UZBEKISTAN

ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашлари, тароватли Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин!

Наврўз тўкин-сочинлик, қут-барака ва фаровонликнинг дебочаси бўлмиш қувончли палла. Бу фасл ўзининг шукуҳи билан барча одамларга ғайрат-шижоат, меҳнатсеварлик бахш этади.
Мустақил Ўзбекистон диёри узра тинчлик, хотиржамлик ва бахт-саодат тантана қилаверсин!
Серқуёш ўлка истиқлолнинг тўққизинчи йилида барча соҳаларда тараққиёт авж олаверсин!

ASAKA BANK

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«АСАКА» БАНКИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Сизларни

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

билан қутлаб, қуйидаги хизматларни тақдим этишга тайёр эканлигини маълум қилади.



- *Миллий валютадаги барча операциялар.*
- *Кредитлар бериш.*
- *Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган операциялар, шу жумладан нақд валюта билан боғлиқ бўлган операциялар (валюта ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш, ҳисоб рақамидан валюталарни бериш, нақд валютани Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш).*
- *Депозитарий бўйича хизматлар.*
- *Ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш ва имтиёзли таърифлар.*

Бизнинг манзил: Тошкент ш., И. Оқилов кўч. 40-уй. (мўлжал «Россия» меҳмонхонаси).
Тел.: 120-84-04, 120-84-12 120-84-09.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ

Барча тошкентликларни

Наврўз – баҳор байрами

билан қизғин қутлайди! Сизларнинг оилангизга тинчлик, хотиржамлик, яхши кайфият, мустаҳкам соғлиқ тилайди. Ҳаётингиз қувончларга, бахту шодликка тўлсин, оилангизда доимо фаровонлик ҳукм сурсин!

Мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган баракали меҳнатингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!



БАНДЛИК ХИЗМАТИ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ:

А. Икромов — Чилонзор, 22 мавзе, 7-уй. тел.: 74-44-57.

Бектемир — Ҳусайн Байқаро кўчаси, 4-уй. тел.: 90-42-93.

Мирзо Улуғбек — Гоголь кўчаси, 38. тел.: 133-37-23.

Миробод — Т. Шевченко кўчаси, 64. тел.: 54-56-69.

Собир Раҳимов — Қорасарой кўчаси, 269. тел.: 48-53-78.

Сергели — Спутник массиви, I, 42. тел.: 57-58-41.

Ҳамза — Майна Ҳасанова кўчаси, 2. тел.: 96-33-40.

Чилонзор — 6-мавзе, Фарҳод кўчаси, 10. тел.: 76-19-97.

Шайхонтоҳур — Марказ-14, 7-уй. тел.: 144-59-13.

Юнусобод — Ж. Обидова кўчаси, 8-Б. тел.: 35-02-96.

Яккасарой — Бобур кўчаси, 33-Б. тел.: 54-66-38.

Ўқув маркази, Қоратош кўчаси, 44 (Хадра майдони ГУМ). тел.: 45-14-68, 45-16-53.

Меҳнат шароитлари экспертизаси лабораторияси Черкасов кўчаси, 32. тел.: 68-29-16.

Тошкент шаҳар Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Бош бошқармаси, Мовароуннаҳр кўчаси, 33. Тел.: 136-00-25.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Халқаро Шароф Рашидов фонди
Ўзбекистон халқини

2000 ЙИЛ НАВРЎЗИ ОЛАМ

байрами билан чин қалбдан муборакбод этади. Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, дастурхонингизга файз-барака, осойишта, қувончли ҳаёт ва мамлакатимиз иқтисодий қувватини мустаҳкамлашда юксак меҳнат зафарлари тилайди. Давлатимиз равнақ топаверсин. Ҳаётдан ўтган азизларимизнинг ҳам руҳи поклари шод бўлгай, иншооллоҳ.

МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР ТАНЛОВИ (ТЕНДЕР)ГА МАРҲАМАТ!

ПУДРАТ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР УЧУН

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда Қашқадарё вилояти ҳудудида қурилаётган барча иншоотлар, шунингдек касб-ҳунар коллежлари, Қишлоқ врачлик пунктлари учун қуйидаги материаллар, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга рақобатли танлов ўтказилади.

- *Кабель маҳсулотлари, очиқ ва ёпиқ симлар, ёритгичлар, вентиляторлар, электр тақсимлаш шкафлари, ёнғинга қарши приборлар тўплами, вентиллар, задвижкалар, радиокарнайлар, насослар.*
- *Трансформатор подстанциялари, дизел электр станциялари.*
- *Мактаб жиҳозлари, спорт заллари учун анжомлар, стол ва стуллар, фан кабинетлари учун жиҳозлар, мактаб парталари.*
- *Ошхона асбоб-ускуналари, совутгичлар ва бошқа асбоблар.*
- *Қишлоқ врачлик пунктлари учун 42 номдаги жиҳозлар ва мебеллар.*

Мулк шаклидан қатъий назар, барча ташкилотлар ёки фирмалар ўз маҳсулотлари билан тендер танловига таклиф қилинади.

Қўшимча ахборотларни Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 58-уй, Қашқадарё қурилиш трести биносида жойлашган пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича филиалидан олишингиз мумкин.

Тел/факс: 4-61-58, 4-46-37

«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қадимий ва шукуҳли

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

муносабати билан қизғин муборакбод этади!

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қарийб тўққиз йил ичида бизнинг соҳамизда жиддий ўзгаришлар юз берди.
Янги-янги технологик линиялар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар келтирилиб, цехларга ўрнатилди.
Натижада ишлаб чиқарилаётган ёғ ва совун сифати ошди.

Маълумки, баҳор — яшариш, гўзаллик фасли.
Шу билан бирга деҳқонларимиз учун меҳнат фасли.
Миришкорларимиз корхонамиз учун хомашё етиштиришга киришадилар.
Шу боис ҳам ушбу фарахбахш кунларда уларга омадлар ёр бўлсин, деймиз.
Юртимиз осмони тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Сен бор учун кўкка етди қадрим менинг,
Ўзинга хон, ўзинга бек даврим менинг,
Қароғингга меҳр бўлиб тўкилайин —
Юрагидай бағри тоза халқим менинг

Борлиғимсан, бойлигимсан — жон-жаҳоним,
Ўзингга ўхшаши йўқ Ўзбекистоним!

Сен отамдан қолган доно қўшиғимсан,
Сен онамдан қолган тилло бешигимсан...
Кимим ҳам бор сендан яқин, сендан азиз
Сиғинганим, соғинганим, суюгимсан.

Етмиш икки томиримда оққан қоним —
Ўзингга ўхшаши йўқ Ўзбекистоним!

Жонга туташ олтин унган далаларим,
Тандирингга қуёш қўнган паллаларинг,
Мағрур ўктам қоматингга кўз тегмасин —
Кўзмунчоқлар бўлсин биздай болаларинг.

Кўз тумарим, сўзда борим ўзинг маним —
Ўзингга ўхшаши йўқ Ўзбекистоним!

Ҳаётдир бу — яхши ҳам ёмон ўтади,
Эл қадрига элим деган мард етади,
Озод юртин дунёларга олиб чиққан —
Султонини асрай билган халқ ютади.

Қуёш, ойю юлдуз тўла дастурхоним
Ўзингга ўхшаши йўқ Ўзбекистоним!

Йўқлаб келса Наврўзларим, кўкламларим.
Кучоғимга босай дўсти биродарим,
Бу дунёлар кўрмаган тўй қутлуғ бўлсин,
Ҳизр назар қилган юртим — пайғамбарим...

Болам десанг тупроқ ўлсин маним жоним —
Ўзингга ўхшаши йўқ Ўзбекистоним.

■ **Сайёра ТЎЙЧИЕВА**

ТУҒИЛГАН КУН

КИМ? ҚАЧОН?

21 МАРТ

Абдулла ОРИПОВ (1941) — шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси

Алишер МИРЗАЕВ (1948) — Ўзбекистон халқ рассоми, Тошкент Давлат рассомчилик ва дизайн институти профессори.

22 МАРТ

Эркин САМАНДАРОВ (1935) — ёзувчи

23 МАРТ

Хайтмат АБДУРАСУЛОВ (1937) — ёзувчи

Беҳзод МУҲАММАДКАРИМОВ (1964) — Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри актёри.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ (1946) — ёзувчи, журналист, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси муҳаррири

24 МАРТ

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ (1940) — ёзувчи

25 МАРТ

Аҳмад АЛИЕВ (1919) — ёзувчи

Саъдулла ҲАКИМ (1951) — шоир, журналист

Ҳожиакбар ШАЙХОВ (1947) — ёзувчи, «Қалб кўзи», «Сирли олам» газеталари бош муҳаррири

Жуманиёз ШАРИПОВ (1911) — ёзувчи

26 МАРТ

Шуҳрат РАШИДОВ (1942) — кулол, Республика бадиий ижодкорлар уюшмаси масъул котиби.

??? Телефон: 133-12-56 !!!

МАКТАБДА МОНИТОРИНГ МАРКАЗИ

Нукус туманидаги 1-сон ўрта мактабда Мониторинг маркази очилди. Марказнинг мақсади халқ таълими маориф тизими бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалга ошириш, таълим-тарбия мазмунини бойитиш ва мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг билим савиясини тубдан яхшилаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек амалий ёрдам кўрсатишдир. Марказда ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари, кўп балли тест рейтинг системаси бўйича ўқувчиларнинг ҳар чоракдаги балл кўрсаткичлари билан танишиш мумкин.

Яқин келажакда Қорақалпоғистон Республикасидаги барча мактабларда мониторинг марказлари ташкил қилинади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СЕҲРИНГНИНГ БОИСИ НИМАДА АЁЛ?!

Ботирлар улғаяр бешигингизда,
Эркак кулиб чиқар эшигингиздан,
Сиз алла айтсангиз қандоқ айтасиз,
Қандайин сеҳр бор қўшиғингизда?!

Аёл! Сени ожиза, заифа деганлар минг бора ҳақ. Бир оғизгина сўз зарбидан тоғдек кўнглинг чил-чил синади. Гулнинг шамолидан-да кўзинг тинади. Битта михни-да қоқолмайсан, битта данакни-да чақолмайсан. Жисму жонингни бағишлаб, ўзинг дунёга келтирган фарзандингни овоз чиқариб қойий олмайсан. Жуфту ҳалолинг кўзига тик қарай олмайсан. Дилинг нозик, тилинг нозик, қўлинг нозик, йўлинг нозик. Ғоят нозиклигингдан бир қошиқ сув билан ютмоқни ҳавас қиларлар. Шу ҳолингда тилларда афсона бўлган журъатларга қандай имкон топасан, аёл?!

Демишларким: Момо Ҳаво бағридаги меҳр номли жаннат тотини туйиб Одам Ато жаннатдан қувилган эканлар, шу қувғин ҳолларида ҳам аёл зотига севилган эканлар, аёл ўзига қарам бўлгани сари, кўнгиллари ором топган эканлар. Ўша лаҳзалардан аёлнинг сеҳри бошланганмикин, кункундан жозиб дунёга қадам ташланганмикин? Ҳали зебизийнатлар, ўсма-сурмалар, шоҳи атласлар кашф этилмай туриб Одам Атонинг кўнглини қандай ром қилдингиз, Момо Ҳаво? Сеҳрингиз боиси нимада?!

Демишларким: Дорга тортилаётган ўғли Кунайбнинг қошида зор йиғлаган саксон ёшли онанинг кўксига сут келиб этаклари, ҳўл бўлган экан. Орадан анча фурсат ўтиб, кампирнинг сийналари яна буришган терига айланибди. (Усома ибн Мунқиз. Ибратли китоб. XIII аср). Саксон ёшли кампирни бола эмизаётган жувон ҳолига солган куч нимада? О, сеҳрингнинг боиси нимада, аёл?!

Демишларким: Очарчиликдан одамлар бир-бир қирилаётган дамда, ўн бир ёшли кенжа қизининг нолишларига чидай олмаган она қуриган кўксини қизалоғи оғзига тутмиш. Воажаб, сут келибди! Онанинг ранги кун сайин сарғайиб борса-да, қизалоқнинг ранги қизилланиб борибди. Очликнинг ҳукми — ўлимдан онанинг меҳри зўрроқ чиқибди. Сеҳрингнинг боиси нимада, аёл?!

Демишларким: Соҳибқирон Амир Темур жангчилари ночор аҳволда қола бошлабди. Жанггоҳдан Бибихоним ҳузурига Соҳибқироннинг мактубини олиб чопар елибди. Бибихоним шоҳга заҳирадаги олтинларни эмас, жавоб мактубини йўллабди: «Шоҳим, заҳирангиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?» Бу иборалар ортида киноя бормиди, ишорат бормиди, ишонч бормиди, эркалик бормиди, ғурурга чорлов бормиди?! Мактубни олган Соҳибқирон олтинларсиз ҳам ғолиб келмоқ йўлини топди. Яниким куч, мадад бормиди? Соҳибқироннинг имконларини қандай билолдинг, баҳолай олдинг, Бибихоним, Бибижоним? Сеҳрингнинг боиси нимада, аёл?!

Демишларким: Шоҳ Шаҳриёрнинг бу дунёдан кўнгли қолди, дилга хун иштиёқини солди. Ҳар куни бир бокира қизга уйланиб, тонгда уни ўлдирмоққа одат қилди. Мамлакатида вазирининг қизи Шаҳризодадан бошқа қиз қолмади. Шаҳризода ўзини ўлимга тикди. Бошини қонсираган кунда кутаётган саройга йўл олди. Тонгда саройга кафанлик ҳозирлаб борган ота қизини тирик кўриб ҳайратда қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам қиз тирик эди. Охири, минг биринчи тонгда Шаҳриёр қизни ўлдирмасликка ахд қилди. Уламолар, вазирлар, аёнлар, донишлар гапига кўнмаган шоҳ ўн етти ёшли қизнинг гапига қандай кирди экан? Минг бир кеча нималар деб сайрадинг, маликам? Минг бир бокира қизнинг, минг бир гўзалнинг, минг бир парининг ҳаётини қандай асраб қололдинг, аёл?!

Демишларким: — II жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатганларнинг ёнидан аёлни эслатадиган нарсалар топилар экан. Ё ҳароратли мактуб, ё сурат, ё аёл сочининг толаси, ё аёл тиккан дастрўмолча... Жанггоҳларда ғолиб чиқишига, ўқнинг, тиғнинг зарбидан зўр келишга ундовчи куч бўлар экан аёлнинг меҳрида. Зеро, Ойбарчин: «Қурриё қур, ҳайта, тўрамнинг оти, оқ тўшим яйловинг, сочим шипиртки», дея нолиш қилганида, от кишанларни узиб, туёғида михлари билан, қирқ отдан ўзиб кетмовдими?

Ширинниг ширин шартларини бажарай деб, шоҳнинг ўғли Фарҳод тоғни кесиб, сув келтирмовдими? Зуҳранинг ишқида Тоҳир дарёларда оқмовмиди? Аёл чорлаганда эрлар шерга айланаркан, дилидаги орзулар қўрга айланаркан, пешонасидаги терлар дурга айланаркан. Сеҳрингнинг боиси нимада аёл?!

Ишқингда шоҳларни шоирона, шоирларни шоҳона бўзлатдинг, сир бермас мағрурларни сўзлатдинг, васлингни темир ковуш титилгунча излатдинг. Сенинг ишқинг дилга тушгач, Одам Ато ўртанди, йигитлар алпомиш бўлди, Фарҳод бўлди, Мажнун бўлди, Рустами достон бўлди. Сенинг ишқинг дилига тушмаса, уларнинг жасорати эл тилига тушмасди. Улар сенга муносиб бўлдилар.

Ишқинг Алишер деган йигитни Навоий номли буюк шоирга айлантирди.

«Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго,
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго»,

деб гўзал нолалар чекдиким, бу ширин ҳасратларнинг умри беш ярим асрдан буён тириқдир.

Эр ярим пир деб эгиласан, унинг чап қовурғасидан яралганингга шукроналар айтасан. Алпим, мардим, бегим, эгам дейсан. Ўзинг даҳолик даъво қилмайсану уларни даҳога айлантирасан.

Нозик жисмингда гўдак улғаяди. Ўлим ва ҳаёт ёнма-ён турган чоҳга тушиб, қўлларингда фарзанд кўтариб омон чиқасан. Аллалар айтасан. Сенинг аллаларинг учун тинч ва осуда Ватан керак. Сенинг аллангни севиб тингламаган инсон зоти топилармикин? Бутун борлиқ, мавжудот тинглайди:

Сен айтган аллада гул иси борми,
Тонг иси, ой иси, дил иси борми?
Ғолиб сафарларга кетгай болангиз,
Қуёш иси борми, йўл иси борми?!

Сенинг кўксингга бош қўяқўя гўдаклар йигитга айланадилар. Сенинг меҳрингни туйиб йигитлар баҳодирга айланадилар. Сени деб куя-куя баҳодирлар афсона бўлдилар. Сенинг меҳринг уммонидан ожизлар куч оладилар. Сен борки, рўзғорлар обод, кўнгиллар шод. Сен ҳаётнинг мувозанатисан, аёл! Ғазабларни юмшатасан, азобларни енгиллатасан. Кўнгилларда армон бўлган тоғдек юкларни туширасан, дарз кетган дилларни бут қиласан, қоронғу юракларга баҳор олиб келасан, орзулар осмонида ой каби тўласан. Сеҳрингнинг боиси нимада, аёл?!

Сеҳргар қалбимдан элчидир сўзим,
Юлдуздай жодуваш эмишдир кўзим,
Мен жами аёлнинг битта аскари,
Сеҳримни биболмай ҳайронман ўзим.

Тан ва жон оғриғида, жон аччиғида сени чорлайдилар: «Онажон» дея, Ватан сўзининг ёнига ёзадилар она деб. Сени қўллаган юрт омон бўлсин!

Бағринг тўла меҳр, лабинг тўла бол,
Энг гўзал рўёсан, энг гўзал хаёл,
Бошимни кўксингда аллаламоққа
Бир марта рухсат эт, париваш аёл!

■ **Ҳосият БОБОМУРОДОВА, шоира**



Юр болам, Наврўзга борамиз.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Саида Йўлдошева

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.10

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ФИКР КЎЗИНИНГ НУРЛАРИ

Мамлакатимизда кўплаб нашриётлар самарали фаолият кўрсатяпти. Уларни маънавият булоқларига менгзасак арзийди. Тўғри, қоғоз тақчиллиги, иқтисодиёт билан боғлиқ муаммолар уларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аммо ўсиш ва юксалишнинг қаноти — маънавият. Буни ҳис қилган, англаган, нашриётларда эса яхши китоблар чоп этилаяпти. Ўз ўқувчиларига бориб етаяпти.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган баъзи китобларга назар солсак... **Носир Фозиловнинг «Саид Аҳмад, номинг баланд»** китоби... Китобда Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз ёзувчи Саид Аҳмад билан боғлиқ воқеалар, хотиралар, қизиқарли суҳбатлар акс этган. Муаллиф отахон адибнинг мухлисларига жуда ажойиб совға тайёрлабди, десак хато бўлмас. Шунингдек, ўзбек адабиётининг кўплаб пешқадамлари, зўрларининг Саид Аҳмадга эҳтироми, мамлакатимизнинг турли вилоятлари китобхонлар билан бўлган учрашувлардаги қизиқарли воқеалар қаламга олинган. Саид Аҳмаднинг яхши ёзувчилигини ҳаммамиз биламиз. Аммо гапга чечан, ҳар қандай ҳолатда ҳам қизиқ гап айтиб вазиятдан чиқиб кетиши мумкинлигини, озроқ-қина «шум»лиги борлигини, ҳазилга тўн кийдириб, барчани ҳангу-манг қилишини ҳамма мухлислар ҳам сезишмайди. Хуллас, китобни ўқиганлар Саид Аҳмаднинг феъл-атвори билан танишиб оладилар...

Алоуддин Мансурнинг «Имоми Аъзам — буюк имомимиз» номли китоби. Мазкур китобда ислом ва унга амал қилишга оид, шунингдек маҳзабларнинг ҳар бири ўзича афзал ва айни пайтда, бошқалар ҳам инкор этилмаслиги борасидаги тарихий манбалардаги мулоҳазалар китобхон эътиборига суҳбат тарзда ҳавола этилган. Китоб равон ва тиниқ услубда ёзилган. Осон ўқилади. Мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан қаралганда анча юксак даражада. «Ла илоҳа иллаллоҳ», «Муҳаммадур Расулуллоҳ», «Намоз», «Закот ҳақида», «Рўза», «Ҳаж», «Судхўрлик», «Кўпхотинлик», «Маҳзаб» каби бўлимлардан иборат. Имон-эътиқод тушунчаси кенг изоҳланган.

Яна бир китоб — шоир Турсун Алининг «Уйғоқ сукунат» шеърий тўплами. Ижодкорнинг турли мавзулардаги шеърлари жамланган. Дунёни фалсафий идрок этиш, бадиий образлар орқали шеърхон кўнглида гўзал тасаввурлар пайдо қилишга уринган шоирнинг ушбу тўпламини шеърият мухлислари учун ажойиб туҳфа дейишимиз мумкин.

Абдулазиз Мансурнинг «Ислом — гиёҳвандликка қарши» деб аталган рисоласи эса гиёҳвандликнинг зарарлиги, фожиали оқибатлари, хусусида. Муаллиф сўз бошисида шундай дейди: «Ушбу қисқа ва мухтасар рисоламиз орқали гиёҳвандликнинг ижтимоий, иқтисодий, аҳлоқий ва жисмоний зарарларини Ислом дини нуқтаи назаридан исботлаб, ушбу оламшумул муаммони ҳал этишдек умумий ҳаракатга озгина бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшишни ният қилдик...»

Азамат Ҳайдаровнинг «Маънавият — ҳуқуқий давлатнинг таянчи» номли китобида эса кўтаринки руҳдаги публицистик мақолалар жамланган. Китобнинг йўналиши истиқлол мадҳи билан белгиланади. Ватан, миллат, ҳурлик, келажак тушунчаларини ардоқлаш орқали публицист маънавият нима деган саволга жавоб излайди. Китоб ёш авлод тарбияси, замондошларимиз руҳиятида эзгулик тимсолларини намоён этади.

Хуллас мазкур бешта китоб, ҳақида шунчаки бир шарҳ айтдик. Қолган баҳони ўқувчиларнинг ўзлари берадилар, албатта.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

НОДИРАНИНГ НОДИР ИСТЕЪДОДИ

Ҳай- ҳай, кўз тегмасин. Момолари кўзмунчоқ тақиб қўйсин. Булоқ сувидек тиниқ кўзларида маъсумалик, ўйчанлик акс этиб турибди. Тортинчоқ. Ўйлаб-ўйлаб гапиради.

— Мактабда ўқишларинг яхшими? Қайси фанларга қизиқасан?

— Она тили, математика. Чет тилини ўрганмоқчиман.

— Улғайсанг, ким бўлмоқчисан, нималарни орзу қиласан?

— Шахматчи бўламан... Чунки Президентимиз ёшларни яхши кўрадилар. Биз болалар ҳам у кишини яхши кўрамиз...

Нодира Нодиржонова билан ана шу тарзда танишдик. Ҳозир у Чироқчи шаҳридаги Ҳабиб Абдуллаев номли мактабнинг учинчи синфида ўқийди. Ўтган йили тўққиз ёшида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Испанияда ўтказилган халқаро мусобақада қатнашди. Жажжи ўзбек қизалоғининг дадил ўйинлари ҳакамларни лол қолдирди. Чунки у ўзидан катталар билан беллашган эди-да.

Қай маъно излаб кўрмайлик, халқимизнинг қуш уясида кўрганини қилади, деган нақли ҳаёт сингари терандир. Сара уруғнинг кўкариши учун ҳам шароит лозим. Бу — зиёлилар оиласи. Онаси Назира Нодиржонова ўқитувчи. Отаси Абдураҳмон Нодиржонов касби бўйича муҳандис-геолог.

Абдураҳмон Нодиржонов: — Ёшлигимдан спортни севаман, айниқса футболни. Шахматга ҳам ҳавасим ўзгача. Ҳозир тумандаги футбол клубида мураббийман. Беш нафар фарзандимиз бор. Нодира олти ёшида шахматни ўрганиб олган эди. Етти ёшида мусобақаларда ғолиб чиқа бошлади. Эстонияда бўлган турнирда қатнашди. Ўтган йили Самарқандда ўтказилган беллашувда ғолиб чиқиб, тўққиз ёшида Ўзбекистон чемпиони бўлди ва Испанияда ўтадиган халқаро турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уни Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақага ўзим олиб бордим. Нодира 12 ёшгача бўлганлар билан беллашди ва 4,5 очко олди.

— Хорижда ўтган бу турнир давомида нималар хаёлингиздан кечди?

— Аввало, чексиз фахрландим, Ўзбекистонимизни, истиқлолимизни ўйлаб. Жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан келган ёш шахматчиларнинг малакали мураббийлари бор экан. Мен эса атиги ҳаваскор шахматчиман. Қани энди, бошқа бир тажрибали мураббий бўлса...

— Ана шу масалани ҳал қила олмай турибмиз, — дейди спортчиларнинг ютуқларидан фахрланиб Чироқчи тумани ҳокими Мустафо Темиров. — Сарвиноз Эргашева ва Нодира Нодиржонова учун малакали мураббий керак. Майли, чорасиз дард йўқ. Маблағ ҳам, мураббий ҳам топамиз. Ахир, ҳаммада ҳам бундай ноёб истеъдод бўлавермайди. Энди ука, одамларимизнинг бағри кенг, меҳнатсевар, танти, меҳмондўст. Юрагида бир жаҳон орзу. Истеъдодлар ана шу орзудан туғиладими дейман-да.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида «MARAM» масъулияти чекланган жамияти фирмасига тегишли бўлган ҳужжатлар ҳамда думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.